ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ ВА УНИНГ БОБУР КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Д.Т.Ражабова

В статье рассмотрена роль Хаджи Убайдуллах Ахрара в духовно-нравственном развитии Бабура, что показано на основе историко-биографичеких фактов, анализа «Бабурнаме» и перевода последним трактата «Волидия».

In this article the role in spiritual - moral development Bobur is considered, that is shown on a basis the facts of Khadji Ubaydullah Ahrara, which analysis "Baburname" and translation to last of the treatise "Validia".

Инсон камолотини тарихда ўтган буюк сиймоларнинг ибратли фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Халқимиз азалдан улуғ донишмандлардан ҳаётда яшашнинг мақсад моҳиятию донолик ва илмсеварликни, тарихий қаҳрамонлардан жасоратни, ҳар қандай қийинчиликлар ва қаршиликларни енгишни, ижодкорлардан маънавий гўзаллигу эртанги кунга ишонч билан боқишни ўрганиб келишган. Айниқса, тасаввуф илмининг билимдонлари, машойих ва авлиёлар, жумладан, Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, ат-Термизий, ал-Мотурудий, Хожа Аҳрори Вали ва бошқалар ўз ҳаёт тарзи билан нафақат замонаси, балки кейинги

асрларда яшаган кишилар онгида эътиқодни, поклик ва адолатни, тўғрилик ва софликни, умуман, комилликни уйғотиш ва шакллантиришга хизмат қилган. Бундай тарихий сиймоларнинг шахсни тарбиялашдаги ўрни нақадар катта аҳамиятга эгалигини биргина улуғ мутасаввуф Хожа Аҳрор Валининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси шаклланишига кўрсатган таъсири мисолида ҳам аниқ сезиш мумкин. “Бобурнома” тарихий шахс ва инсон камолоти диалектик бирликда бўлишини аниқ ҳаётий воқеалар мисолида кўрсата олган нодир асарлардан биридир. Бу тарихий-мемуарнинг марказида Бобур шахси туради. Бобурнинг, аввало, буюк инсон сифатида етишишининг ижтимоий асослари “Бобурнома”да чуқур очилган. Хожа Убайдуллоҳнинг таълимоти, унинг давр кишиларини жипслаштириб, маънавий покликка даъват этган салоҳияти, илоҳий руҳиятини чуқур ҳис этган шахслардан бири Бобур эди.

Илм-фанда Бобур ўз эътиқодининг рамзи сифатида Хожа Аҳрорнинг “Волидийя” асарини туркий тилга таржима қилганлиги тўғрисида анчагина ижобий фикрлар баён этилган. Бу асарнинг таржима жараёни ҳақида “Бобурнома”да ўқиймиз: “Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрати Хожа Убайдуллонинг “Волидийя” рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, ҳуд нечукким, соҳиби “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлиж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулиға далиле бўлғусидур. Ушбу ният била “рамали мусаддаси махбуни аруз” ва “зарбгоҳи махбуни маҳфуз” вазнидаким, мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Суҳба”си ҳам бу вазндадур, рисола назмиға шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди. Илтизом йўсунлуқ, кунда ўн байттин камрак айтилмас эди”[1;318].

“Волидийя” рисоласи (Отага аталган рисола) Хожа Убайдуллоҳ томонидан насрда ёзилган бўлиб, уни Бобур умрининг охирида, 1528 йилда назмда таржима қилган. “Бобурнома”да эътироф этилганидек, бу асар Абдураҳмон Жомийнинг “Сабҳа” (унинг тўлиқ номи “Сабҳат ул аброр”)си вазнида, яъни арузнинг рамали мусаддаси махбун ва баъзи сатрлари маҳбуни маҳзуфда ёзилган. Бобур “Волидийя”ни туркий тилга таржима қилишининг туб асоси нимада эди? Агар унинг нияти форсийдан бирор китобни таржима қилиш бўлса, нега “Волидийя”ни танлади? Бобурнинг таржимага қўл уриши асарнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан юксаклиги ёки унинг китобга иштиёқмандлиги билангина изоҳланмайди, балки унинг учун “Волидийя” муаллифининг шахси биринчи ўринда туради. Яъни, таржимон асарни туркий тилга ўгиришни ният қилар экан, буни Хожа Убайдуллоҳга бўлган ихлоси белгиси деб билади. Бобурнинг тасаввурида ва ижтимоий фаолиятида бу улуғ сиймо ихлос қўйган шахсни ҳар қандай бало-қазолардан асровчи, оғир дамларда мадад берувчи куч сифатида намоён бўлади.

Бобур Хожа Убайдуллоҳнинг ҳаётбахш таълимоти ва унинг ўз давридаги таниқли шахслар ишини ҳаракатлантирувчилик фаолияти билан жуда ёшлигидан таниш бўлган. “Бобурнома”нинг илк саҳифалари — 1493 йил воқеалари (бу пайт Бобур 10 ёшда бўлган) баёнида Хожа Убайдуллоҳ унинг маънавий жиҳатдан баркамол инсон сифатида шаклланишида ўз мавқеини эгаллаганлиги кўзга ташланади. Бизнинг назаримизда Хожа Убайдуллоҳнинг Бобур камолотидаги тарихий ўрни қуйидагиларда кўринади:

1. Хожа Убайдуллоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаган хонадоннинг энг яқин кишиси бўлган. Бобур отаси Умаршайх мирзонинг ахлоқ ва атвори ҳақида фикр юритганда шундай ёзади: «Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлиб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эрдилар»[1;10]. Демак, Заҳириддин Муҳаммаднинг назарида унинг отаси ҳам Хожа Убайдуллоҳ билан суҳбат қуришга ҳавасманд бўлган ва бундай суҳбатлар жуда кўп такрорланган. Энг муҳими, Хожа Убайдуллоҳ Умаршайх мирзони ўзига жуда яқин тутиб, уни фарзанд деб атаган экан. Бобурнинг ўзи гувоҳлик берганидек, Хожа Убайдуллоҳ ва Умаршайх Мирзо ўртасидаги оталик ҳамда фарзандлик муносабатлари в суҳбатларини эшитган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга қадар ҳам Хожа Убайдуллоҳ улуғ мутафаккирларнинг ҳурматини қозонган. Абдураҳмон Жомий “Туҳфат ул–Аҳрор”, Алишер Навоий “Ҳайратул аброр” достонларида ул зотни улуғлашган. Бобур ҳам “Волидийя” таржимасининг муқаддимасида ўзи шахсан таниган ва суҳбатини эшитган сиймони нега эл эъзозлашини шундай таърифлаган эди:

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳдин
Эшит ул сирри Худо Огаҳдин.
Хожалар хожаси ул Хожа Убайд,
Ходиму чокари Шиблий-йу Жунайд.
Ҳолату мартабаси зоҳирдур,
Васфу таърифида тил қосирдур [2;4]

Бобур Хожа Убайдуллоҳни шахс сифатида ўзини хожа санаганларнинг энг олий зоти деб тушунади, уни худонинг сири – Оллоҳнинг инсон ва борлиқ учун буюрган ҳамда талаб этган барча сиру синоатларини билувчи деб улуғлайди. Демак, Бобур ҳаёти давомида Хожа Убайдуллоҳни ўзи учун идеал шахс деб тушунишининг асоси унда комилликнинг барча қирралари мужассамлигини ҳис этишидир. Хожа Убайдуллоҳнинг Бобурийлар хонадонига яқинлиги ундаги маънавий поклик туғилиши ҳамда йиллар давомида тажрижий ўсиши дастлабки тамал ҳисобланган.

2. Хожа Убайдуллоҳнинг улуғворлигини ўз хонадонида ҳис этган Бобур унинг мавқеи атроф-муҳитда, жамиятнинг тарихий шахслари ўртасида баландлигини ҳам кўради:

а) Хожа Убайдуллоҳнинг одамлар даврасида ўтириши:

«Ҳанафий мазхаблиқ, покиза эътиқод киши эрди, беш вақт намозини бетарк ўтар эди. Шурб маҳалларида ҳам намози тарк бўлмас эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди. Алалхусус Хожа суҳбатида, дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир–бири тизига ёвуткаган эмастур. Бир новбат ҳазрати Хожа суҳбатида бир хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтурубтур. Мирзо қўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрубтурларким, мирзо ўлтурғон ерни боққайлар: бир сўнгак бор экандур»[1;19-20].

б) Хожа Убайдуллоҳнинг мискин-бечораларни ҳимоя қилиши: «Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг мутааллиқлариғаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлурлар эди, не жой улким, аларға мундоқ таклифлар бўлғай, кўп таадди ва ташаддуд қила бошлади. Балки бу таадди ва ташаддуд Хожанинг авлодиға дағи сироят қилди»[1;24].

в) Хожа Убайдуллоҳнинг адолатлилиги ва шариат тараққиётини бошқариши: «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзонинг замонида рафоҳият ва фароғат била ўткариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа жиҳатидин адл ва шаръ тарийқи била эди[1;24].

Хожа Убайдуллоҳ фаолиятида инсон камолоти учун зарур фазилатлар кўп бўлган. Шу сабабли Бобур уларнинг ҳар бирини фахр билан тилга олади ҳамда ўз фаолияти учун намуна ҳисоблайди. «Бобурнома»дан олинган парчаларга таҳлилий назар ташлайлик:

а) Ҳазрати Хожа одамларнинг суҳбатида мураббий, айни пайтда, муқаввий - куч, мадад берувчи шахс. Шу сабабли ҳам замондошлари унинг даврасига интилганлар. Султон Аҳмад мирзо ҳукмдор бўлса-да, унинг олдида ўзини ожиз сезиши Хожага бўлган чексиз эътиқодни ифодалайди.

б) мискин-бечораларни зулм ва зўравонликдан ҳимоя этиш, уларга ёрдам бериш, ана шу эзгу мақсад йўлида курашиш комил шахснинг инсонпарварлик хусусиятларидан ҳисобланади. Хожа Убайдуллоҳ ана шундай шахс эди. Унинг бундай хусусиятини Бобур эътироф этар экан, ўз шоҳлик фаолиятида унга амал қилганига кўплаб далиллар мавжуд.

в) Султон Аҳмад Самарқандда узоқ йиллар ҳукмронлик қилган ҳукмдорлардан ҳисобланади. Бу даврда самарқандликлар роҳат-фароғатда, яъни ҳукмдорнинг муруввати билан яшашган. Ҳукмдорга хос бундай фазилат давлатчиликнинг бош асоси бўлиб, ана шундай шарафга эришганларни эл эъзозлаган. Бобурнинг ўзи ҳам шундай сиймолардан эди. «Бобурнома»да Султон Аҳмад ҳукмронлигининг асосини адолат ташкил этишига сабаб Хожа Убайдуллоҳ билан бамаслаҳат иш тутиши деб таърифланади. Демак, Бобур Ҳазратнинг давлатни бошқаришдаги адолатли фазилатини улуғлайди, ундан ибрат олишга даъват этади, Ҳожа Убайдуллоҳни менсимаган Султон Маҳмуд замонасида «зулм ва фисқдин бажону бир озурда ва ранжида бўлдилар» деб ёзади.

3. Хожа Убайдуллоҳни ҳукмдорларнинг адолатли маслаҳатгўйи сифатида қадрлаш ҳамда тан олиш Бобурнинг юксак эътиқоди эди. Шу сабабли ҳам Ҳазрат Хожани ҳурмат қилмаганларни имон-эътиқодсиз сифатида айблайди ва бундай шахсларни даврининг жоҳил кишилари қиёфасида кўради. Султон Маҳмуд шундай кишилардан бири эди: «Бад эътиқод киши эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға истихфоф қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара ва бебок теграсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт ва шанеъ ҳаракатлар қилурлар эди. Бадкалом эди. Сўзини филҳон англаб бўлмас эди»[1;26].

«Бобурнома»даги бу таъриф маънавий жиҳатдан нопок шахснинг қиёфасини умумлаштиради. Хожа Убайдуллоҳни маънавий покликнинг юксак намунаси сифатида кўтарган Бобур бу ўринда зид ўлароқ унинг муқобил типини ҳам кўрсата олган. Истихфор-камситиш, пастга уриш, таҳқир қилиш маъносини беради. Бад эътиқодли киши Султон Маҳмуд Ҳазрат Хожага шундай муносабатда бўлар экан, Бобур унинг бундай эътиқодсизлигини қоралаб ўтирмайди, балки уни юраксиз, ҳаёсиз киши эканлигини, атрофига нодонларни йиғиб олганлигини айтиш билан унинг кирдикорларини фош этади. Бу билан у давр кишисини ҳукмдор бўлса-да, Султон Маҳмудга эмас, балки Хожа Убайдуллоҳга эргашиш, улардан ибрат олиш ва унинг фикрларига эътиқод билан қарашга ундайди.

4. Замонаси кишиларидан Хожа Убайдуллоҳга хос мададкорлик ва валийлик фазилатларини эшитган ҳамда уни ўз асарида таърифлаган Бобур унинг муқаввийлик руҳини ўз тақдири мисолида кўради.

«Бобурнома»нинг 1500-1501 йиллар воқеалари баёнида шундай таъриф келтирилган: «Ўшул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен, хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға ғолибо бетакаллуфроқ дастурхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким, мендин эмастур. Дастурхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туркий дедиларким: «Шайх маслаҳат берди». Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим»[1;108].

Туш ўзининг ҳаётий заминига эга. Хожа Убайдуллоҳ олдига бетакаллуфроқ дастурхон тўшалишидан Бобурнинг кўнгли тўлмаслиги ҳазрати Хожа улуғ сийловларга арзийдиган шахс эканлиги билан изоҳланади. «Бобурнома»нинг бир парчасида Хожа Убайдуллоҳ «Мулло бобо»номи билан аталади.

Бундай номланишда Бобурнинг унга бўлган самимияти, меҳри, ўзига яқин тутиши янада ойдинроқ гавдаланган. Энг муҳими,ҳазратнинг мададкорлик хислати намоён бўлади.

Хожа Убайдуллоҳ Бобурнинг қўлидан тутиб кўтариши мададга келиши, унга ғолибликни бахш этишини билдиради.

«Бобурнома»да Хожа Убайдуллоҳ билан боғлиқ туш тасвирлари бошқа ўринларда ҳам берилган. Бу тушлар ҳам ҳаётий ҳақиқат билан боғланади ва Бобур онгида Хожа Убайдуллоҳ мададкор куч сифатида шаклланган қарашларнинг гавдалантиришга хизмат қилади. Биринчи тушдаги тасвирга кўра, Карнон деган жойда Бобурнинг аҳволи жуда танг кечади. У ҳатто ўлимга ҳам рози бўлади. Намозга ўтирар экан, кўзи уйқуга кетади. Шу аснода Хожа Убайдуллоҳнинг невараси от устида пайдо бўлиб тилга киради: «Ғам емангиз. Хўжа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкил иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг»[1;107].

Иккинчи туш Қутлуғ Муҳаммад барлосда кечган бўлиб, Хожа Убайдуллоҳ ундан илтимос қилади: «Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади анга тааллуқ бўлибдур»[1;108].

Тушлардан англашилган ва Бобур бунга тўла инонган мантиқий хулоса шуки, Хожа Убайдуллоҳ унга маънавий муршид ҳисобланади, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ҳар бир ютуғи, ғолиблиги, ҳатто руҳиятидаги бардам кайфият ҳазрат номи билан боғлангандир.

5. Хожа Убайдуллоҳнинг мададкор ва халоскорлик кучига ишониш Бобурнинг бутун вужудини қамраб олган эди. У ғолиблик юришларидан сўнг Ҳиндистонда буюк мўғул салтанатини ўрнатди. Лекин умр бўйи руҳий ва маънавий мададини берган улуғ сиймога ўз

навбатида қарздорлик бурчини қайтариши шарт эди. Бу гарчи «Волидийя»нинг таржимаси орқали ифодаланган бўлса-да, бу вазифа ҳам Хожа Убайдуллоҳдан руҳий мадад кўриш асносида бажарилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон маданиятининг энг улуғ сиймоси, Андижондан Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудни титратган энг улуғ шоҳ бўлса-да, у маънавий муршидлар олдида ҳамиша ожиз эди. Бу ожизлик эмас, аслида, буюклик сари қўйилган бир қадамдир. Шу сабабли ҳам Бобурдаги комиллик, улуғлик, маънавий етукликни Хожа Убайдуллоҳ номи билан боғлаш ўз ижтимоий асосига эгадир.

Адабиётлар:

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома.- Т.: Юлдузча, 1990
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Волидийя.- Т.:Ёзувчи, 1991

Самарқанд давлат университети,
2009 йил 11 майда қабул қилинган